

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«2 » **июль** 20 19 г.

№ 547

Toshkent sh.

**Хорижий инвесторлар билан ишлашни янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция имижи ва инвестицион жозибадорлигини янада яхшилаш, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятидан хабардорликни ошириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашни такомиллаштириш ва уларга қўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Хорижий инвесторларга қўмаклашиш гурӯхини** (кейинги ўринларда Хорижий инвесторларга қўмаклашиш гурӯҳи деб аталади) эксперимент тариқасида (тажриба лойиҳаси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. **Қуйидагилар Хорижий инвесторларга қўмаклашиш гурӯхининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, республика иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва устуворликлари, инвестиция муҳити ва ташқи савдо режими, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида холисона ахборотни етказиш мақсадида **хорижий инвесторлар орасида фаол ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш**;

**хорижий инвесторларни мамлакатда бизнесни юритиш шартлари тўғрисида хабардор қилиш**, хорижий ва қўшма корхоналар тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш;

хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тўғрисида хабардор қилиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатлар масалалари бўйича уларга маслаҳатлар бериш;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши қабулхоналари**, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлатнинг бошқа ташкилотлари билан **самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш**;

**хуқуқий масалалар бўйича малакали ёрдам олишда хорижий инвесторларга кўмаклашиш, хукуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;**

**хорижий инвесторларни протокол-ташкилий таъминлаш чоратадбирларини кўриш, уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши дастурларини ишлаб чиқиша, келишилган ташриф дастурига мувофиқ тадбирларни мувофиқлаштиришда иштирок этиш;**

**Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигидан Ўзбекистон Республикасига келаётган хорижий инвесторларнинг рўйхатини доимий асосда олиш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва кузатиб қўйилишини таъминлаш;**

**хорижий инвесторларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаш, уларнинг ҳисобини юритиш, ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорлигини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш, ҳисботлар тузилиши ва тақдим этилишини таъминлаш;**

**хорижий инвесторлар билан доимий алоқани таъминлаш, улар орасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг инвестицион жозибадорлиги даражаси идрок этилишини аниқлаш юзасидан сўровлар ўтказиш, мамлакатда инвестиция иклимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.**

### **3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

**Хорижий инвесторларга кўмаклашиш груҳи хорижий инвесторлардан тушган мурожаатлар кечикирилмасдан "business.gov.uz" ахборот тизимиға киритилишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти (кейинги ўринларда Котибият деб аталади) эса ўрганиш асосида уларни кўриб чиқиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун республика даражасидаги тегишли ваколатли органга ёки Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига юборади;**

**Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, шунингдек, туманлар ва шаҳарлардаги тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари зарурат бўлганда ҳокимликлар ва Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, курилиш, давлат кадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг худудий органлари вакиллари иштирокида хорижий инвесторларни қабул қиласидилар ва уларнинг масалаларини белгиланган тартибда ҳал этадилар;**

хорижий инвесторларнинг республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ваколатли органлар раҳбарлари иштирокида Котибият томонидан кўриб чиқилади;

республика даражасидаги ваколатли орган ёки Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Котибиятни хабардор қиласи, Котибият эса Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи орқали хорижий инвесторларга тегишли ахборот тақдим этилишини таъминлайди;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи хорижий инвесторларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва умумлаштиришда ўз фаолиятини Котибият билан яқин ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

#### 4. Белгилансинки:

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи ходимларининг умумий сони иловага мувофиқ 10 нафарни ташкил этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси марказий аппаратининг ходимларини доимий асосда хизмат сафарига юбориш ҳисобига шакллантирилади (Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи раҳбари бундан мустасно);

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи ўз фаолиятини Ислом Каримов номидаги Тошкент шаҳар ҳалқаро аэропортининг маъмурий биносида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кеча-кундуз режимида (алмашиш асосида) жадвал бўйича амалга оширади (ҳар бир сменада икки нафар ходим). Бунда, Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳининг бир қисми (кундузги ходимларнинг икки ходими) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги биносида жойлаштирилади;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи ходимларига асосий иш жойи бўйича назарда тутилган иш ҳақи, устамалар, мукофотлар, тақдирлаш пули, мартаба даражалари учун қўшимча ҳақлар сақланиб қолади;

ташаббускорлик, хизмат вазифалари ҳалол ва намунали ижро этилганлиги учун Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳининг тегишли ходимларига унинг раҳбарининг тақдимномаси бўйича лавозим маошига 20 % миқдорида устама қўлланилиши мумкин;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ва ўз фаолиятида унга ҳисобот беради;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухининг раҳбари Гурух ходимлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва Гурухга юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи ходимлари Гурухга юкланган вазифаларни бажаришда Гурух раҳбарига бўйсунадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарлари бир ҳафта муддатда амалий иш тажрибасига, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, кенг дунёқарашиб, чет тилларини ва протокол амалиётини биладиган ваколатли мутахассисларни белгиланган тартибда Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи ихтиёрига хизмат сафарига юборсинлар.

6. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бир ҳафта муддатда Ислом Каримов номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропортининг маъмурий биносидан Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи ходимларини жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуки билан зарур шартшароитларга эга бўлган тегишли хонани ажратсин.

#### 7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи учун битта хизмат автотранспорт воситаси ажратилишини;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи учун ажратилган Ислом Каримов номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропортининг маъмурий биносидаги хона зарур мебель, компьютер техникаси ва инвентарь билан жиҳозланишини;

Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари доирасида сақланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомалари бўйича Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ўзаро алоқа қилиш учун зарур алоқа воситалари таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача бўлган муддатда Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари Э.М.Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 2 июлдаги  
547-сон қарорига  
илова

**Ходимлари доимий асосда Ўзбекистон Республикаси  
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги  
Хорижий инвесторларга кўмаклашиш гурухи ихтиёрига  
хизмат сафарига юбориладиган вазирликлар ва идоралар  
РЎЙХАТИ**

T/p	Вазирлик/идоранинг номи	Кўмаклашиш гурухига хизмат сафарига юбориладиган ходимлар сони
1.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	2
2.	Адлия вазирлиги	2
3.	Ташқи ишлар вазирлиги	1
4.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	1
5.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги	2
6.	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги	2
	<b>ҲАММАСИ:</b>	<b>10</b>